

## ИЛМИЙ ҲАЁТ

### ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА

#### ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ



#### 5-БОБ: ФОЙДАЛАНУВЧИ/ЎҚУВЧИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ

Мулоқот жараёнида аниқ вазифаларни бажариш ва нутқий фаолиятнинг ҳар хил турларини амалга ошириш учун инсон бир нечта компетенциялардан фойдаланади. Мулоқот жараёнларидағи иштирок, шу жумладан, ўқувчининг компетенциялари янада ривожланишига ёрдам беради.

Компетенцияларнинг барча турлари инсонга турли даражада мулоқот қилиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради, шу боис улар мулоқот компетенциясининг таркибий қисмлари сифатида қаралashi мумкин.

##### 5.1 Умумий компетенциялар

###### 5.1.1 Декларатив билимлар (*savoir*)

###### 5.1.1.1 Олам ҳақидаги билимлар

Катта ёшдаги инсонда шаклланган олам тасвири ҳам концептуал, ҳам тил жиҳатидан мураккаб тузилиши билан ажралиб туради ва она тилининг луғати ва грамматикаси билан боғлиқ бўлади. “Бу нима?” деб савол берганида, инсон ҳам янги нарса ёки ҳодисанинг номини, ҳам янги сўзнинг маъносини сўрайди.

Оддий, “илмий бўлмаган” тил нисбатан табиий йўл билан ривожланади. Иккинчи ёки учинчи тилни ўргатишда ўйқувчилар қўпинча ўқувчиларнинг аллақачон олам ҳақидаги зарур билимларга эга эканлигига таянадилар, аммо бу ҳар доим ҳам тўғри эмас (2.1.1 га қаранг).

Ҳаётий тажриба, таълим жараёнида ёки бошқа манбалардан олинган олам ҳақидаги билимлар ўз ичига қўйидагиларни олади:

- аҳоли пунктлари, жамоат институтлари ва ташкилотларни, шахсларни, нарсалар ва ҳодисаларни билиш (4.1.2-бўлим 5-жадвалга қаранг).

- асосий тушунчаларни (аниқлик/мавхумлик, жонли/жонсиз) ва муносабатларни (макон-замонга оид, ассоциатив, таҳлилий, мантиқий, сабаб-оқибатли) билиш (“Бошланғич даражা”, 1990, 6-бобга қаранг).

*Куйидаги саволларни таҳлил қилиши ва уларга жавоб қайтариши тавсия этилади:*

- Чет тилини ўрганишини бошлиётган инсон олам ҳақида қандай умумий билимларга эга бўлиши керак?
- Ўқувчи тил ўрганиши жараёнида олам ҳақида, шу жумладан, мамлакатшунослик йўналишида қандай билимларни ўзлашириши керак?

#### *5.1.1.2 Ижтимоий-маданий билимлар*

Муайян тил вакиллари ҳамжамиятининг ижтимоий ўзига хосликлари ва маданиятини билиш олам ҳақидаги умумий билимларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Тили ўрганилаётган мамлакатга нисбатан эса ижтимоий-маданий билимларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

У ёки бу тил вакиллари ҳамжамияти (айниқса Европадаги) ҳақидаги ижтимоий-маданий билимлар қуйидаги соҳаларни қамраб олиши мумкин:

1. *Кундалик ҳаёт:*
  - овқатланиш, ичимликлар, овқатланиш вақти, стол атрофида ўзини тутиш;
  - давлат байрамлари;
  - иш кунининг давомийлиги, иш куни тартиби;
  - дам олиш (қизиқишлир, спорт билан шуғулланиш, китоб ўқиш, ОАВлар).
2. *Турмуш шароити:*
  - турмуш даражаси (худудий, синфий, этник ўзига хосликлар);
  - яшаш шароитлари;
  - ижтимоий ёрдам тизими.
3. *Шахслараро муносабатлар* (ҳокимият ва бирдамлик тушунчалари билан бирга):
  - жамиятнинг синфий тузилиши, синфлар ўртасидаги муносабат;
  - жинслар орасидаги муносабат;
  - оиласий муносабатлар;

- турли авлод вакиллари ўртасидаги муносабатлар;
- ишдаги муносабатлар;
- фуқаролар ва расмий шахслар, ҳуқуқ-тартибот вакиллари билан муносабатлар;

- турли ирқ ва ҳамжамият вакиллари ўртасидаги муносабат;
- сиёсий ва диний гурухлар ўртасидаги муносабат.

4. Қўйидаги ҳодиса ва тушунчаларга нисбатан қўлланиладиган қадрият, маслак ва муносабатлар тизими:

- ижтимоий синфлар;
- касбий гурухлар (таълим, бошқарув, давлат хизмати, малакали ва бошқа меҳнат);
- фаровонлик (даромад, мерос);
- алоҳида ҳудудлар маданияти;
- хавфсизлик;
- ижтимоий институтлар;
- анъаналар ва ижтимоий ўзгаришлар;
- тарих, жумладан, турихий шахслар, ҳодисалар;
- этник ва диний майда гурухлар;
- миллий ўзликни англаш;
- бошқа мамлакат ва ҳалқлар;
- сиёsat;
- санъат (тасвирий, мусиқа, адабиёт, театр, поп мусиқа);
- дин;
- юмор.

5. Имо-ишоралар тили (4.4.5 га қаранг).

• Меҳмондўстлик ва меҳмонга бориш билан боғлиқ ўзини тутиши қоидалари:

- пухталик;
- совғалар;
- кийим;
- егуликлар;
- ўзини тутиш ва сұхбат учун мавзуларнинг умумқабул қилинган қоидалари, тақиқланган мавзулар;
- меҳмондорчиликнинг давомийлиги;
- хайрлашиш ва кетиши.

7. Маросимларни баждарии:

- диний маросимлар;

- туғилган кун, никоҳ, дағн;
- тадбир ва тантаналар вақтида жамоат жойларида ўзини тутиш;
- кўнгилочар тадбирлар, фестиваллар, рақс кечалари, дискотека ва бошқалар.

### **5.1.1.3 Маданиятлараро билимлар**

Маданиятлараро билимлар деганда ўзи туғилиб ўсан мамлакат ва тили ўрганилаётган мамлакат маданиятлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни, ҳамда ҳар икки мамлакатга хос ҳудудий ва ижтимоий турфа хилликни тушуниш ва билиш тушунилади.

*Кўйидаги саволларни таҳлил қилиши ва уларга жавоб қайтарши тавсия этилади:*

- Тил ўрганишини бошлиётгани ўқувчи қандай ижтимоий-маданий билим ва тажрибага эга бўлиши керак?
- ўқувчи ўрганаётган тилида мулоқотга кириша олиши учун ўз ватани ва тилини ўрганаётган мамлакат тўгрисида қандай янги ижтимоий-маданий билимларни ўзлаштириши керак?
- Ўқувчи мос тарздаги маданиятлараро компетенцияни ривожлантириши учун ўз мамлакати ва чет эл маданиятлари ўртасидаги муносабат тўгрисида нималарни билиши керак?

### **5.1.2 Кўникмалар**

#### **5.1.2.1 Амалий кўникмалар ўз ичига қўйидагиларни олади**

— ижтимоий ҳаёт кўникмалари: мазкур маданий контекст анъаналарига мос тарзда харакат қилиш (5.1.1.2 га қаранг), ўзининг бошқа маданият вакили/чет эллик эканлигидан келиб чиқиб бундай вазият учун хос бўлган амалларни бажариш;

— кундалик фаолият кўникмалари: кундалик одатий ишларни (шахсий гигиенага риоя этиш, овқат тайёрлаш ва истеъмол қилиш) муваффақиятли бажариш; майший техника воситаларини ишчи ҳолатида сақлаш ва таъмирлаш;

— касбий кўникмалари: касб мажбуриятларидан келиб чиқиб ақлий ва жисмоний ишларни бажара олиш;

— бўш вақтни ўтказиш билан боғлиқ малака ва кўникмалар;

— санъат (тасвирий санъат, мусиқа, ҳайкалтарошлик);

— каштачилик ва хунармандчилик (тўқиши, тикиш, дурадгорлик ва бошқалар);

— спорт (жамоавий ўйинлар, югуриш, енгил атлетика, альпинизм, сузиш ва бошқалар);

— хобби (сураткашлик, боғбонлик ва бошқалар).

*Куйидаги саволни таҳлил қилиши ва уларга жавоб қайтариши тавсия этилади:*

*Ҳаётнинг муайян соҳасида муваффақиятли мулоқот олиб бориши учун ўқувчига қандай амалий кўникма ва малакалар зарур бўлади?*

#### 5.1.2.2 Маданиятлараро кўникма ва малакалар:

- ўзининг шахсий ва бошқа тилдаги маданиятни солиштира олиш малакаси;
- турли маданиятларни қабул қила олиш. Бошқа маданиятлар вакиллари билан алоқа ўрнатиш учун турли стратегиялардан усталик билан фойдалана олиш;
- ўзи мансуб бўлган ва хорижий маданият вакиллари ўртасида воситачи вазифасини бажариш ҳамда маданиятлар ўртасидаги фарқ келтириб чиқариши мумкин бўлган низоли вазиятларни усталик билан бартараф этиш малакаси;
- шаклланган стереотипларни енгиб ўтиш малакаси.

*Куйидаги саволларга жавоб қайтариши тавсия этилади:*

- Келгусида ўқувчининг маданиятлараро воситачилик борасида қандай рол ва вазифаларни бажаршишига тўғри келади? Унга қандай кўникма ва малакалар зарур бўлади?
  - Ўқувчи ўзи мансуб бўлган ва чет эл маданиятининг қандай ўзига хосликларини билиши керак?
  - Ўқувчиларни хорижий тилдаги маданиятга қандай йўллар билан таништириши мумкин?
  - Ўқувчидан маданиятлараро воситачи ролида майдонга чиқиши имконияти бўладими? Қандай вазиятларда?

#### 5.1.3 Экзистенциал компетенция

Тилни биладиган шахснинг/ўқувчининг коммуникатив фаолияти факат олинган билимларга, малака ва кўникмаларга боғлиқ бўлмайди. Улар, шунингдек инсоннинг индивидуаллигини белгилаб берувчи шахсий омилларга ҳам боғлиқ бўлади.

Бу эса экзистенциал компетенцияни, яъни қуйидагиларни ташкил этади:

*1. Қарашилар ва муносабатлар:*

- янги таассуротлар, янги одамлар, ғоялар, жамиятлар, маданиятлар учун очиқлик ва уларга қизиқиш;
- ўзининг маданий қарашлари ва шахсий қадриятлар тизимини бир қадар ўзгартиришга тайёрлик;
- маданиятлар ўртасидаги фарқлар билан боғлиқ стереотип ва қарашлардан воз кечишга тайёрлик.

*2. Мотивация:*

- интуиция/ўйланганлик;
- тил восита сифатида/til бирлаштирувчи омил сифатида;
- мулокот эхтиёжи.

*3. Қадриятлар, масалан, ахлоқий.*

*4. Қарашилар, масалан, диний, мафқуравий, фалсафий.*

*5. Билиш қобилияти тури:*

- конвергент/дивергент;
- яхлит/таҳлилий/синтетик.

*6. Шахсий сифатлар:*

- сўзамоллик/босиқлик;
- устамонлик/тортинчоқлик;
- оптимизм/пессимизм;
- интравертлик/экстравертлик;
- қўллаб-қувватлашга интилиш/янги ғояларга қаршилик қилиш;
- ўзига/атрофдагиларга танқидий муносабатда бўлиш/жазосиз қолиш хисси;
- муросасиз/кўнгилчан;
- очиқлик/пинҳонийлик;
- эркинлик/ўз-ўзини назорат қилиш;
- интеллект;
- синчковлик/бепарволик;
- хотира;
- меҳнатсеварлик/дангасалик;
- иззатталаблик/унинг мавжуд эмаслиги;
- вазиятга объектив баҳо бериш қобилияти/ ана шундай қобилиятнинг йўқлиги;
- ўз кучига ишонч/ шу хислатнинг йўқлиги;
- қатъият/ўзига ишончсизлик;
- ўз қадрини билиш/ шу хислатнинг йўқлиги.

### *5.1.4 Билиш қобилияtlари (*savoir-apprendre*)*

Кенг маънода билим олиш(билиш) қобилияти деганда янги фаолият турларида иштирок этиш ва янги билимларни мавжуд билимлар тизимиға интеграциялаш, зарур бўлса мавжуд билимлар тизимини ўзгартириш тушунилади. Билим олиш кўникмаси ўз ичига қўйидагиларни олади:

#### *5.1.4.1 Тил механизмлари ва мулоқот жараёнини тушуниши*

Тилларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши принципларини билиш ва тушуниш ўқувчига янги тажрибани ақл тарозисидан ўтказиб, унинг натижаларини тартибга солинган тузилмага келтириш, янги тажрибани шу пайтгача мавжуд бўлган билимларни бойитиш воситаси сифатида қабул қилиш жараёнида ёрдам беради. Натижада янги тил ўқувчи томонидан катта қизиқиш ва интилиш билан ўрганилади.

#### *5.1.4.2 Умумий фонетик кўникма ва малакалар*

Қўйидагилар кўплаб ўқувчиларга, айниқса, катта ёшдагиларга талаффуз қилиш қобилиятини оширишда ёрдам беради:

- нотаниш товуш ва просодик моделларни тушуниш ва ўз-ўзича такрорлаш кўникмаси;
- товушларнинг нотаниш кетма-кетлигини фарқлаш қобилияти;
- товушларнинг узлуксиз оқимини муҳим, кетма-кет жойлашган фонологик элементларга ажратиш малакаси;
- товушларни эшитиш ва такрорлаш жараёнларини тушуниш/билиш.

*Қўйидаги саволларни таҳлил қилиши ва уларга жавоб қайтарии тавсия этилади:*

- тил механизмлари ва мулоқот жараёнини тушуниши қандай усуllар билан ривожлантирилади?
- ўқувчига қандай фонетик кўникмалар зарур бўлади?

#### *5.1.4.3 ўқииш қўникмалари*

Уларга қўйидагилар киради:

- билим олиш жараёнида юзага келадиган имкониятлардан самарали фойдалана олиш кўникмаси, масалан:
  - тақдим этилган маълумотни диққат билан ўзлаштириш;
  - қўйилган вазифанинг якуний мақсадини англаб етиш;
  - жуфтликда ва гуруҳларда самарали ишлаш;
  - мустақил ишлаш учун мавжуд материаллардан самарали фойдаланиш;
  - ўрганилаётган материални амалиётда қўллаш;

- мустақил ўқиши учун материалларни танлаш ва ишлатиш кўникмаси;
- ўзининг кучли ва ожиз томонларини билиши;
- ўз эҳтиёж ва вазифаларини белгилаб олиш қобилияти;
- ўз мақсадларига эришиш учун ўзининг таълим жараёнини ташкил қилиш қобилияти.

#### **5.1.4.4 Эвристик қўникмалар**

Уларга қўйидагилар киради:

- ўқувчининг янгиликни англаш (янги одамларни, янги хатти-ҳаракат усули ва бошқаларни) ва ўқиши жараёнида бошқа компетенциялардан фойдаланиш қобилияти;
- ўқувчининг янги маълумотни топиш, тушуниш, ҳамда агар зарур бўлса, етказиб бериш қобилияти (айниқса, ўрганаётган тилидаги маълумотнома тусидаги материаллар билан ишлаш жараёнида);
- янги ахборот технологияларидан (масалан, Интерматн тизими, маълумотлар базаси билан ишлаш) фойдалана олиш кўникмаси.

*Кўйидаги саволларни таҳлил қилиши ва уларга жавоб қайтарishi тавсия этилади:*

- ўқувчиларда қайси таълим қўникмаларини рвиожлантириши керак;
- ўқувчи қандай эвристик билимларни ривоҷлантириши ва қўллаши керак;
- ўқувчи тил ўрганиши ва ундан фойдаланиши жараёнида эркинроқ бўлишига нималар хизмат қилиши мумкин.

## **5.2 Коммуникатив компетенциялар**

Коммуникация вазифаларини бажариш учун тилни биладиган шахс/ўқувчи ўз ичига қўйидагиларни оладиган тилга оид компетенцияси билан биргаликда юқорида санаб ўтилган ўзининг умумий қобилиятларини қўллайди:

- лингвистик компетенция;
- ижтимоий-лингвистик компетенция;
- прагматик компетенция.

### **5.2.1. Лингвистик компетенция**

Замонавий дескриптив лингвистларнинг аксарияти шакл ва мазмун ўртасидаги муносабатни ўрганганд ҳолда, ижтимоий амалиёт жараёнида юзага келган тил ҳодисаларини кодлаштириш билан шуғулланишади. Бу

жараёнда, асосан, анъанавий атамалардан фойдаланилади. Бундан ёндашув лингвистик компетенция тўғри шакллантирилган ва муайян маънога эга бўлган фикрларни тузиш учун тил воситаларини билиш ва улардан фойдалани олиш қобилияти сифатида қараладиган 4.2-бўлимда ҳам кўлланилган.

Демак, лингвистик компетенция доирасида қуидаги тушунчаларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

#### **5.2.1.1 Лексик компетенция**

#### **5.2.1.2 Грамматик компетенция**

#### **5.2.1.3 Семантик компетенция**

#### **5.2.1.4 Фонологик компетенция**

Ўқувчининг тил воситаларидан фойдалана олиш қобилиятининг ривожланишидаги тараққиёт қуидаги шкалалар жадвали қўринишида тақдим этилиши мумкин.

<b>ТИЛ БИЛИШНИНГ УМУМИЙ ШКАЛАСИ</b>	
<b>2</b>	<i>Ўз фикрларини, уларнинг энг муҳимларини алоҳида қайд этган, икки хил маъно берадиганларини тўғирлаган ҳолда аниқ баён этади, бу жараёнда тил воситаларидан кенг фойдаланади.</i>
<b>1</b>	<i>Тил воситаларининг кенг спектридан ўз фикрларини баён этиши учун мос келадиганларини осон ва эркин танлай олади.</i>
<b>2</b>	<i>Айтарли қийинчиликлариз ўз фикрларини аниқ ва равон баён этади. Ҳодиса ва нарсаларни аниқ тасвирлаш, ўз нуқтаи назарини баён этиши, асослар келтириши учун етарли бўлган тил воситалари заҳирасига эга. Бу жараёнда сўзларни танлашда, айрим мураккаб гапларни қўллашда қийинчиликка учрамайди.</i>
<b>1</b>	<i>Тил воситаларининг мавжуд заҳираси тайёргарликсиз ноодатий вазиятларни таърифлаш, муаммо ёки масаланинг моҳиятини анчайин аниқ баён этиши, мавҳум мавзу (масалан, маданият, санъат, кино, фан ва бошқалар билан боғлиқ) юзасидан ўз фикрларини билдириши учун етарли.</i>
	<i>Сўз бойлиги кундалик мавзуларда (оила, иши, қизиқишилар, сўнгги янгиликлар) мулоқот қилиши учун етарли, аммо зарур сўзни топшида қийналади, баъзида ўз фикрини қийналиб баён этади, тақрорларга йўл қўяди.</i>
<b>2</b>	<i>Оддий кундалик вазиятларда мулоқот қилиши учун етрали бўлган базавий сўз бойлигига эга, аммо сўзларни танлашда қийналади, бу эса</i>

	<i>мулоқот имкониятини сезиларли даражада чеклайди.</i>
	<p><i>Оддий мавзуларда қисқача фикр билдириши, яъни: ўзи, кундалик юмушлари ҳақида гапириб бериши, илтимос қилиши, савол бериши мумкин.</i></p> <p><i>Оддий грамматик тузилмалар, ёдлаб олган сўз ва сўз бирикмаларидан фойдаланиб ўзи ва бошқалар ҳақида гапириб бериши, улар нима билан шугулланишаётганини айтиб бериши мумкин.</i></p> <p><i>Кундалик вазиятларда мулоқот қилиши учун ёдлаб олинган қисқа жумлаларнинг чекланган заҳирасига эга.</i></p>
I	<p><i>Ўзи ҳақидаги маълумотни етказиши, бирор нарсани сўраши/илтимос қилиши имкониятини берадиган оддий жумлаларнинг жуда ҳам чекланган заҳирасига эга.</i></p>

5.2.1.1 **Лексик компетенция** деганда тилнинг лексик ва грамматик элементларни ўз ичига олган лугат таркиби ва улардан нутқда фойдаланиш қобилияти тушунилади.

**Лексик элементлар:**

- a) *фразеологик бирликлар:*
  - *фразеологизм-гаплар*, масалан:
    - муайян функционал юкламага эга бўлган нутқий қолипдаги иборалар (5.2.3.2 га қаранг), масалан, саломлашиш (*How do you do? Good morning!*).
    - мақол ва маталлар (5.2.2.3 га қаранг)
    - эскирган барқарор бирикмалар (*Be off with you!*)
  - *барқарор бирикмалар:*
    - маъно аҳамиятини йўқотган идиомалар (*He kicked the bucket. It's a long shot. He drove hell for leather*)
    - кучайтирувчи тузилмалар (бундай тузилмаларни қўллаш аксарият ҳолларда контекст ёки услуг билин чекланаган бўлади, масалан, қуидагиларни солиштиринг *as white as snow* ва *as white as a sheet*)
      - аниқ маънени етказиш учун муайян сўзлар билан тўлдириладиган *барқарор моделлар* (*Please may I have...*)
    - бошқа барқарор бирикмалар:
      - феъл бирикмалари (to put up with, to make do)
      - мураккаб олд кўшимчалар (*in front of*)
      - сўзларнинг доимий бирикмаси (to make a speech/mistake)

б) *айрим сўзлар*: алоҳида синфлар вакиллари (от, сифат, феъл, равиш), шунингдек, сўзларнинг ёпиқ мавзувий групхлари (ҳафта кунлари, ойлар, ўлчов бириликлари ва бошқалар). Бир неча маънода келадиган сўз (полисемия), масалан, tank – суюқлик сақланадиган идиш ва бронли ҳарбий машина.

Сўзларнинг ёпиқ синфларига мансуб бўлган *грамматик элементлар* (инглиз тили мисолида):

артикли	(a, the)
квалификаторлар	(some, all, many)
кўрсатиш олмошлари	(this, that, these, those)
шахс олмошлари	(I, we, he, she, it, they, you, me ва бошқалар)
сўроқ гап ва олмошлар	(who, what, which, whom ва бошқалар) нисбий
эгалик олмоши	(my, your, his ва бошқалар)
олд кўмакчилар	(in, at, by, with ва бошқалар)
кўмакчи феъллар	(be, do, have, модал феъллар)
боғловчилар	(and, but, if, though ва бошқалар)
юкламалар	(немис тилида: ja, wohl, aber, doch ва бошқалар)

Тилнинг лугат таркибини билиш ва ундан фойдаланишининг турли даражасини тавсифловчи шкалалар ишлаб чиқилган

	<b>ЛУГАТ БОЙЛИГИ</b>
C2	<i>Бой лугат захирасига, жумладан идиоматик ва сўзлашув жумлаларини билади, лексик бирликларнинг коннотатив маъноларини билади.</i>
C1	<i>Яхшигина сўз бойлигига эга, зарурат тугилганда ўз фикрини билдиришининг бошқа усулини топа олади. Зарур жумлаларни топишда атрофдагилар сезадиган даражадаги қийинчиликка учрамайди. Идиоматик ва сўзлашув лексикасини яхши билади.</i>
B2	<i>Касбга оид/қизиқиши уйготувчи мавзуларда ва умумий мавзуларда яхшигина лугат бойлигига эга. Бир хил сўзлардан қайта-қайта фойдаланмаслик учун фикрини янгича баён эта олади, аммо баъзида зарур сўзни топишда қийинчиликка ҳам дуч келади.</i>
B1	<i>Аксарият кундалик мавзулар: оила, қизиқиши, иши, саёҳат, сўнгги янгиликлар бўйича фикр билдириши учун етарлича сўз бойлигига эга.</i>

A2	<i>Сўз бойлиги кундалик таниши мавзулардаги мулоқотларда қатнашиши учун етарли.</i>
	<i>Сўз бойлиги асосий мулоқот эҳтиёжларини қондириши учун етарли.</i>
A1	<i>Сўз бойлиги айрим оддий сўзлар ива аниқ мавзулардаги сўз бирикмалирдан иборат.</i>
<b>ЛУГАТДАН ФОЙДАЛАНИШ</b>	
C2	<i>Сўзлардан ҳар доим бехато ва ўз ўрнида фойдаланади.</i>
C1	<i>Баъзи хатоларни ҳисобга олмагандан, сўзлардан тўғри фойдаланади.</i>
B2	<i>Гарчи ўқувчи баъзида зарур сўзларни танлашда хатоларга йўл қўйса ҳам, лексикани юқори дараҷсада билади.</i>
B1	<i>Базавий лексикадан тўғри фойдаланади, аммо мураккаб фикрларни баён этишида, нотаниши мавзуларда мулоқот қилишида, ноодатий вазиятларда жиҳдий хатоларга йўл қўяди.</i>
A2	<i>Аниқ кундалик вазиятларда чекланган миқдордаги сўзларни тўғри қўллай олади.</i>
A1	<i>Дескриптор мавжуд эмас.</i>

*Қуидаги саволларни таҳлил қилиши ва уларга жавоб қайтариши тавсия этилади:*

- ўқувчининг фаол ва/ёки пассив лугатидан қандай лексик бирликлар (сўзлар ва барқарор бирикмалар) жой олиши керак?
- лексикани танлаши қандай амалга оширилади?

*Тамом.*

**Наргис Қосимова таржимаси.**